

“ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ ЕТАКЧИСИ”(2026)

республика танлови тўғрисидаги
НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом 2026 йилда Ўзбекистон Республикасида жамоат етакчилари, нодавлат сектор вакиллари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик ташаббуслари ва халқ дипломатияси лойиҳаларини амалга оширувчи ёшлар учун “Халқ дипломатияси етакчиси” танловини (бундан буён матнда Танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. Танлов ташкилотчиси:

- Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази (ШХТ ХДМ);

- Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси;

- “Жаҳон халқлари ассамблеяси” нодавлат ташкилотлари халқаро иттифоқи (бундан буён матнда Ташкилотчилар деб юритилади).

1.3. Танлов ушбу Низомга мувофиқ ўтказилади ва очиклик, иштирокчилар тенглиги, шаффофлик, сиёсатдан холи, маданий хилма-хилликка ҳурмат ва камситмаслик тамойилларига асосланади.

1.4. Танловнинг расмий тиллари - ўзбек, рус ва инглиз тиллари ҳисобланади.

1.5. Танлов, унинг босқичлари ва натижалари ҳақидаги маълумотлар ШХТ Халқ дипломатияси марказининг расмий веб-сайтида (www.scocenter.uz) жойлаштирилган.

1.6. Танлов Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, Халқаро танлов босқичи доирасида халқаро майдонларда ўтказилади.

1.7. Танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими 2026 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтиши режалаштирилган Халқ дипломатияси форуми доирасида бўлиб ўтади.

1.8. Белгиланган номинациялар бўйича Танловнинг республика босқичи ғолиблари Танловнинг Халқаро босқичида Ўзбекистон Республикаси вакиллари сифатида иштирок этадилар.

2. Танлов мақсад ва вазифалари

2.1. Танловнинг мақсади ўз фаолиятини халқ дипломатиясини ривожлантириш, халқлар ўртасида ишонч ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, маданиятлараро, миллатлараро ва динлараро мулоқотни ривожлантириш ҳамда гуманитар миссияни бажаришга қаратилган жамоатчилик етакчиларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

2.2. Танловнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- халқ дипломатияси соҳасидаги энг муҳим ижтимоий, гуманитар, маданий, таълим ва бошқа ташаббусларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш;

- халқ дипломатияси соҳасида лойиҳаларини амалга ошираётган жамоат етакчилари ва фуқаролик жамияти вакиллари рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- танлов иштирокчиларининг профессионал ва жамоатчилик нуфузини тарғиб қилиш;
- танлов иштирокчилари ва ҳамкор ташкилотлар ўртасида халқаро ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш;
- тинчлик, мулоқот ва ҳамкорлик қадриятларига асосланган халқ дипломатияси соҳасида профессионал ва экспертлар ҳамжамиятини ривожлантириш;
- халқ дипломатияси соҳасида энг яхши амалиётлар ва инновацион ёндашувлар ва тажриба алмашинуви учун шароит яратиш;
- Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси марказининг халқаро ва экспертлар майдонларида танлов иштирокчиларининг лойиҳалари ва ташаббусларини тарғиб қилиш;
- Танлов иштирокчиларини ШХТ Халқ дипломатияси марказининг келажакдаги фаолияти ва дастурларига жалб қилиш.

3. Танлов иштирокчилари

3.1. Танловда Ўзбекистон Республикасидан 18 ёшга тўлган жамоат лидерлари, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик ташаббуслари, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этишлари мумкин.

3.2. Танловда халқ дипломатияси соҳасидаги лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда камида икки йиллик тажрибага эга бўлган шахслар, шу жумладан лойиҳа менежери, координатори ёки ташаббускори сифатида иштирок этишлари мумкин.

3.3. Танлов иштирокчилари қуйидаги профессионал ва шахсий лаёқатга эга бўлишлари талаб этилади:

- етакчилик ва масъулиятни ўз зиммасига ола билиш қобилияти;
- ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга эътибор қаратиш;
- жамоада ишлаш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш қобилияти;
- коммуникативлик ва маданиятлараро ҳамкорлик ўрната билиш қобилияти;
- тизимли фикрлаш ва стратегик ёндашув;
- ташаббускорлик, ўзгаришларни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти;
- ижтимоий масъулиятнинг юқори даражаси;
- мослашувчанлик ва ўзгарувчан муҳитда ишлашга тайёрлик.

3.4. Давлат лавозимларида ёки давлат хизматида ишлайдиган шахслар танловда иштирок этишлари мумкин эмас.

3.5. Танловнинг халқаро босқичида иштирок этиш учун иштирокчилар қуйидаги тиллардан бирини билишлари керак: рус, инглиз, араб, испан ёки француз.

3.6. Танловда иштирок этиш ихтиёрий ва бепул.

3.7. Танловнинг республика босқичи ғолиби номинациядан қатъи назар, кейинги йилларда яна танловда иштирок этиши мумкин эмас, эксперт, ҳакамлар ҳайъати аъзоси ёки мураббий сифатида иштирок этган ҳоллар бундан мустасно.

4. Танлов тартиби

4.1. Танлов босқичма-босқич ўтказилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- Танлов материалларни қабул қилиш;
- Танловнинг республика босқичи;
- Ётақчилик таълим курси;
- Танловнинг халқаро босқичи.

4.2. Танлов материалларини қабул қилиш ушбу қоидаларда назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш шаклида амалга оширилади.

4.3. Танловнинг республика босқичи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- танлов материалларни экспертлар томонидан баҳолаш;
- иштирокчилар билан индивидуал суҳбатлар;
- тугалланган ва режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти;
- Ташкилий қўмита томонидан қарор қилинган бошқа танлов тадбирлари.

4.4. Танловга келиб тушган материаллар асосида 30 нафар иштирокчи республика босқичи учун сараланиб олинади. Танловнинг республика босқичи натижаларига кўра ҳакамлар ҳайъати Танловнинг халқаро босқичида Ўзбекистон Республикаси вакили бўлиш учун **3 (уч)** иштирокчини танлаб олади.

4.5. Танловнинг халқаро босқичи Жаҳон оммавий саммити доирасида ўтказилмоқда.

4.6. Танловнинг Республика ва халқаро босқичлари иштирокчиларнинг шахсий иштирокларини назарда тутди ва шакли ва мазмуни Ташкилий қўмита ва Халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан белгиланадиган танлов тестларини ўз ичига олади.

4.7. Танлов босқичларининг тахминий саналари қуйидагича белгиланади:

- *1 февраль – 31 март* — танлов материалларини қабул қилиш;
- *апрель – июнь* — республика босқичини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш;
- *апрель, май, июнь* — ётақчилик таълим курси;
- *август – сентябрь* — Халқаро ҳакамлар ҳайъати иши ва халқаро босқич финалчиларини аниқлаш;
- *сентябрь* — Танловнинг халқаро босқичи ва тақдирлаш маросими.

4.8. Танлов босқичларининг аниқ саналари, формати ва ўтказиладиган жойлари Ташкилий қўмитанинг қарори билан белгиланиши ва ўзгартирилиши мумкин (иштирокчиларни хабардор қилиш шарти билан).

5. Танловни бошқариш

5.1. Танловни ташкил этиш ва услубий таъминлаш учун ташкилотчилар вакилларида иборат Ташкилий кўмита тузилади. Ташкилий кўмита таркиби Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

5.2. Ташкилий кўмитанинг асосий функциялари:

- танловнинг барча босқичларини режалаштириш ва координациялаш;
- танлов тестларининг формати ва мазмунини аниқлаш;
- иштирокчиларни ахборот билан таъминлаб бориш;
- танлов билан боғлиқ ташкилий ва услубий масалаларни ҳал қилиш;
- танлов шартлари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;
- танловнинг Халқаро босқичи иштирокчиларининг якуний рўйхатларини тасдиқлаш.

5.3. Танлов материалларини ўрганиш ва ғолибларни аниқлаш учун танлов ҳакамлар ҳайъати тузилади. Ҳакамлар ҳайъати номинациялар соҳасидаги мутахассислардан, шу жумладан маданият арбоблари, ишбилармон доиралар вакиллари, фан, спорт, туризм, волонтерлар ҳаракати ва гастронимия, жамоат ва ҳукумат арбобларидан ташкил этилди.

5.4. Ҳакамлар ҳайъатининг асосий функциялари:

- танлов мезонларига мувофиқ иштирокчиларнинг танлов материалларини баҳолаш;
- республика ва халқаро босқичларда иштирокчилар билан шахсан учрашиш (интервьюлар, лойиҳа тақдимотлари, танлов тестлари);
- танловнинг республика босқичи натижаларини ва халқаро босқич иштирокчилари рўйхатини тасдиқлаш;
- танловнинг халқаро босқич лауреатларини аниқлаш.

5.5. Ҳакамлар ҳайъати мажлиси ҳайъат аъзоларининг камида ярми иштирок этса ҳақиқий ҳисобланади. Ҳайъат қарори ҳозир бўлган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Барча қарорлар протоколлар билан расмийлаштирилади, улар ҳакамлар ҳайъати раиси ва масъул котиб томонидан имзоланади.

5.7. Танловнинг халқаро босқичида "Дунё халқлари ассамблеяси" нодавлат ташкилотлари халқаро Иттифоқи томонидан ташкил этилган халқаро Ҳакамлар ҳайъати тузилади.

6. Танлов номинациялари ва баҳолаш мезонлари

6.1. 2026 йилда танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- Маданий дипломатия;
- Бизнес дипломатияси;
- Илмий дипломатия;
- Туризм дипломатияси;
- Спорт дипломатияси;

- Тарихий хотира;
- Волонтерлик / Кўнгиллилик ҳаракати;
- Гастрономик дипломатия.

6.2. Ташкилий қўмита ва Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни қуйидаги мезонларга мувофиқ ҳар томонлама баҳолашни таъминлайди:

- иштирокчилар фаолиятининг мазмунли ёндашувлари, технологиялари, техникаси ва инновацион усуллари;
- ташкилий, ижодий ва мулоқот қобилиятлари;
- бошқарув қобилиятлари ва маҳорати;
- интеллектуал тайёргарлик даражаси, шу жумладан жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳукуқий асослари, халқ дипломатиясининг илмий ёндашувлари ва тамойилларини билиш;
- ахборот ва лойиҳа маданиятини билиш даражаси.

6.3. Ҳар бир мезон 0 дан 10 баллгача бўлган шкала бўйича баҳоланади.

6.4. Якуний балл барча мезонларга мувофиқ баллар йиғиндиси сифатида аниқланади.

6.5. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг халқ дипломатиясини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган ва танлов миссиясига мос келадиган қўшимча ютуқларини, бундай ютуқлар ҳужжатлаштирилган бўлса, ҳисобга олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7. Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни топшириш тартиби

7.1. Танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун ҳужжатлар иштирокчилар томонидан шахсан ёки иштирокчиларни номзод қилиб кўрсатган ташкилотлар томонидан 2026 йил 31 мартгача қуйидаги электрон почта орқали тақдим этилади info@scocenter.uz. Белгиланган муддатдан кейин олинган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди.

7.2. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар киради:

- номинация кўрсатилган тўлдирилган иштирокчининг ариза-анкетаси;
- танлов иштирокчисининг халқ дипломатияси соҳасидаги фаолияти тавсифи (5 бетгача, *Times New Roman 14 шрифти*, битта оралиқ интервал, стандарт ҳошия);
- иштирокчининг фаолиятини акс эттирувчи 3 дақиқагача давом этадиган видео тақдимот: Анкетада видеони юклаб олиш учун ҳавола илова қилиниши лозим (*Google Drive, Yandex Disk, YouTube*);
- Тавсия хати (ташкилот, шерик ёки мураббийдан);

7.3. Ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини тақдим этган барча иштирокчиларга танловда иштирок этишга рухсат берилади.

7.4. Танловга тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тақриз билдирилмайди ва қайтарилмайди.

7.5. Иштирокчини танловдан четлатиш учун асослар:

- ўзи ҳақида нотўғри ёки ёлғон маълумот бериш;

- судланганлиги (ёки судланганлик олиб ташланганлиги) ёки тергов қилинаётган;
- танлов ва унинг иштирокчилари тўғрисида ёлғон ёки тухмат маълумотларни эълон қилиш;
- Ташкилий қўмитанинг сўровига биноан тасдиқланган ҳужжатлар ёки маълумотларни тақдим этмаслик.

8. Танлов натижаларини сарҳисоб қилиш

8.1. Ҳакамлар ҳайъати ҳар ғолибларни бир номинация бўйича иштирокчиларнинг танлов тадбирларида, шу жумладан миллий ва халқаро босқичларда шахсий иштироклари асосида аниқлайди.

8.2. Танлов лауреатлари I, II и III даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

8.3. Танлов ташкилотчилари республика босқичи ғолибларини қуйидагилар билан таъминлайди:

- Халқаро босқич бўлиб ўтадиган жойга бориш-келиш транспорт чипталари билан;
- меҳмонхона ва овқатланиш.

8.4. Танловнинг республика босқичи ғолиблари:

- Халқаро босқичда иштирок этиш учун Ташкилотчилар тавсияномалари билан таъминланадилар;
- Халқаро босқичда иштирок этиш учун ўз лойиҳаларини тайёрлаш ва ишлаб чиқишда, шу жумладан маслаҳатлашувлар ва Марказнинг ўқув ва эксперт ресурсларидан фойдаланишда ШХТ Халқ дипломатияси маркази томонидан қўллаб-қувватланади.

8.5. Танлов натижаларига кўра қуйидагилар шакллантирилади:

- Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси марказининг гуманитар дастурлари экспертлари гуруҳи;
- Халқ дипломатияси соҳасида ҳамкорлик қилаётган иштирокчилар ва лауреатларнинг халқаро ҳамжамияти.

8.6. Танлов ғолиблари ўз профилларини уларнинг асосий лойиҳалари билан Танловнинг расмий веб-сайтида Халқ дипломатияси етакчилари оммавий маълумотлар базасига жойлаштириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча саволларни Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси марказига қуйидаги алоқа воситалари орқали юбориш мумкин:

Манзил: Тошкент, Бобур кўчаси, 45

Телефон рақамлари: +99871 202-08-62/63, +99890 000-12-52 (Телеграм)

Электрон почта: info@scocenter.uz